O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 98 (9.442) 2000 йил 18 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ






**Мамлакатимизда халқимизнинг табаррук байрами, улуғ ва азиз байрамга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳамма жойда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, маданий-маърифий тадбирлар давом этмоқда. Уларда Мустақиллик буюк неъмат эканлиги, неча асрлик машаққатли курашлар эвазига қўлга киритилгани, бу йўлда шаҳид кетган аждодларимизнинг муборак хотирасини тиклаш, уларнинг озодлик ва эрк йўлидаги жасоратларини ёшлар онгига сингдиришга алоҳида эътибор берилмоқда.**

**Байрам куни пойтахтимизнинг Бош майдони, шаҳримизнинг марказий ва гавжум кўчалари, шодиёналар ўтадиган майдонлар қандай кўринишга эга бўлади? Биз шундай савол билан шаҳар бош рассоми Рафаэль ЮСУПОВга мурожаат қилдик.**

— Халқимизнинг энг азиз, энг улуғ байрами — Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами катта тантана ва шоду хуррамлик билан ўтказиладиган муқаддас байрам. Ушбу қутлуғ шодиёна биз, рассомлар зиммасига ҳам ғоят масъулиятли вазифа — асосий тантаналар бўлиб ўтадиган Мустақиллик майдонини, шаҳар майдонлари, шоҳкўчалари, хиёбонлари, сайилгоҳларни ўзига хос ва ўзгача бир руҳда безашни тақозо этади.

2000 йилнинг Президентимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилингани боис тайёрланган кўпгина ишлар ва паннолар ушбу қутлуғ санага бағишланган.

Мустақиллик, Хадра, Мирзо Улуғбек, Халқлар дўстлиги майдони, Сайилгоҳ, Амир Темур хиёбони байрамона — Мустақиллигимизни, миллатлараро дўстликни улуғловчи ва тараннум этувчи, Мустақиллик буюк неъмат эканлигини ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ва асраб-авайлаш лозимлигини ўзида акс эттирган паннолар билан безатилади. Шароф Рашидов ва Навоий кўчалари кесишган чорраҳада ва Нукус кўчасида миллий қадриятларимиз, ўзлигимиз акс этган воқеа-ҳодисаларни, Мустақиллигимиздан ғурурланиш ва уни сақлаш лозимлигини ёшларимиз онгига сингдириш, Ўзбекистон буюк давлатлар қаторидан ўрин олганлиги ва улар билан баробар қадам ташлаётганини кўрсатувчи жуда катта панно яратилади.

Шаҳар кўча ва хиёбонларига байрам руҳини бағишловчи чизмаларда асосан миллий халқ урф-одатлари, қадриятларимиз ўз ифодасини топган.

Тасвирий композицияларда давлатимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданияти, бугунги кун нафаси акс эттирилган. Мустақиллик майдонида эса рассомлар бўлиб ўтадиган улуғ байрамнинг бутун маъносини хилма-хил сержило бўёқларда акс эттиришга ҳаракат қилганлар. Улуғ ва азиз байрамимиз безаклари ҳам ўзига хос — улуғворлик ва салобатлилик, вазминлик тимсоли бўлиши лозим.

Булардан ташқари ҳар бир туманда ҳам безаш ишлари олиб борилмоқда, янги бинолар, янги кўприклар, янги ўқув масканлари ишга тушмоқда. Шаҳримиз ҳуснига янада чирой бағишлаётган бу биноларда ҳам рассомларимизнинг камтарона хизматлари бор.

Зиммамиздаги вазифаларни амалга оширишда «Рассом» ва «Безаш» ижодий корхоналарининг моҳир рассомлари, мутахассислари астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ниятимиз 25-26 август кунларига мўлжалдаги барча ишларимизни тахт қилиб, азиз байрамимизни ёруғ юз билан кутиб олиш.

Байрам кунлари тунги Тошкент жамолини нурафшон этувчи ранг-баранг чироқлар, турли хилдаги жилоланувчи фавворалар шаҳримизга янада кўркамлик бахш этади. Бундай гўзалликни яратишда «Тошшаҳарнур» корхонаси хизматчиларининг хизматлари каттадир.

Ўйлайманки, миллий ифтихор байрамига муносиб ҳозирлик кўриш, уни ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда, баланд руҳ билан ўтказиш ҳар бир юртдошимизнинг бурчидир.

**Шоира МУХАМЕДОВА**
**суҳбатлашди.**

*Тараддуд*

## АЙЁМ НАШИДАСИ

# ИФТИХОР

**● Абдуқаҳҳор СОДИҚОВ, қурувчи:**

— Йигирма беш йилдирки, қурувчи бўлиб меҳнат қиламан. Очиғини айтганда мен ишлаётган қурилиш тресги бунёд этган иншоотларнинг сон-саноғи йўқ. Аммо Мустақиллик йилларида яхши ниятлар билан бошланган бунёдкорлик ишларида қатнашишнинг гашти ўзгача бўларкан. Чунки пойтахтимиз чиройига чирой қўшиб турган Олой, Чорсу, Юнусобод, Қўйлиқ ва бошқа бозорлар, қанчадан-қанча турар жой бинолари, мактаблар, лицейларнинг бунёд этилишида менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлиги дилимда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Ниятим Истиқлолимиз абадий бўлсин. Бунёдкорлик давом этаверсин.

**● Раъно ЖЎРАЕВА, талаба:**

— Ҳозирги кунда мен Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг талабасиман. Инглиз, француз, немис тилларини пухта ўрганиб, келажакда дипломат бўлишга қарор қилганман. Чунки, ёш мустақил Ўзбекистоним довруғини оламга кўз-кўз қилгим келади. Агар мен ва менинг дугоналарим келажакда давлатимизнинг бошқа мамлакатлардаги элчиси бўлиб ишласагу хорижликлар ўзбек қизлари орасида ҳам дипломатия соҳаси вакиллари борлигига тан беришса бундан ҳам ортиқ бахт борми, дунёда. Яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида тенгдошларимга келажак сизу бизнинг қўлимизда, Истиқлолнинг қадрига етинг, дейман.

**● Абдулла ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси:**

— Кўз очиб юмгунча 64 ёшни ҳам қаршилаб қўйибман. Аммо гапнинг индаллосини айтганда Мустақилликнинг тўққиз йили мобайнида юртимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўриб озодлик буюк неъмат эканлигини чуқур англаяпман. Бошқа соҳаларни қўятурайликда, биргина спорт соҳасида ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги сабаб спортчиларимиз эришаётган улкан ғалабаларни эслайлик. Аслида ўзим ёшлигимдан спортнинг футбол, бокс, шахмат турларига жуда қизиқаман. Шу боисми, бу соҳаларда ўтказиладиган ҳар бир турнирни кузатиб бораман. Айниқса, 1994 йили Ўзбекистон терма жамоасининг футбол бўйича XII Осиё ўйинларида эришган ғалабаси ёки Артур Григоряннинг профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритиши, бундан ташқари ёш, умидли шахматчимиз Рустам Қосимжоновнинг ёшлар ўртасида жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлиши ҳамда кўпгина нуфузли турнирларда Гарри Каспаровдек донгдор шахматчилар билан куч синашиши, теннисимиз маликаси Ирода Тўлагановaнинг бир қатор нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият қозониб ғолиб бўлишини ким хаёлига келтирибди дейсиз. Ҳа, бу ютуқлар аввало Мустақиллик шарофати, юртимиз осойишталиги ва барқарорлигининг меваларидир. Насиб этса кузда бўладиган Осиё чемпионатида футболчиларимиз ишқибозларни яна бир бор хурсанд қиладилар. Хуллас, юртимиз тинч бўлсин. Ҳар бир хонадонда осойишталик ҳукм сурсин. Ана шунда жамиятимиз гуллаб-яшнайди, спортчиларимиз бугунгидан-да улканроқ ютуқларни қўлга киритаверадилар.

**Акбар ЙЎЛЧИЕВ ёзиб олди.**

# ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органлари бўйича Олий Мажлис қўмитасининг ишчи гуруҳи амалдаги қонунларнинг бажарилиши билан танишиш мақсадида Жиззах вилоятига борди.

◆ **Кеча** Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида бўлиб ўтган давра суҳбати парламентимизнинг навбатдаги учинчи сессияси кун тартибига киритилган «Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркунандалардан, касалликлардан ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

◆ Вазирлар Маҳкамасида теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Республика Маънавият ва маърифат марказида ўтказилган «Халқаро терроризм ва унинг минтақамизга таҳдиди» мавзуидаги илмий-амалий семинарда халқаро терроризм ва унга қарши қандай йўл ва усуллар билан курашиш, муаммони ҳал этиш усуллари ҳақида сўз борди.

◆ Андижон вилоятининг бир қатор хўжаликлари бу йилги пахта йиғим-теримига киришдилар.

◆ **Кеча** Тошкентда мамлакат ёшларининг бир гуруҳига «Камолот» жамғармасининг 2000 йилги мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

◆ Қашқадарё вилоятида «Ҳамшира-2000» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

◆ Бухоро вилоят туғруқхонасида она ва бола скрининг марказининг тақдимот маросими бўлди.

◆ Мустақиллик байрами шарафига ҳар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари Жиззахдаги «Осиё карвонсаройи» бозорида қовун сайли ўтказилмоқда.

◆ **Бугун** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзфармсаноат» Давлат акциядорлик концерни ва «Компьютер — Осиё» илмий-техника парки Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» деб номланган замонавий компакт-диск шаклидаги мультимедия альманахининг тақдимот маросими ўтказилди.

◆ **Бугун** Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Голландия рассоми Аннелоре Куришчук асарлари кўргазмаси очилади.

## ЖАҲОНДА

◆ **Бугун** Ялтада МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашуви очилади. Учрашувда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш назарда тутилган. Ушбу саммитда Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари жангарилар бостириб кирганлиги сабабли вазиятнинг кескинлашганлиги муносабати билан қатнаша олмайдилар.

◆ **Индинга,** якшанба куни Чеченистонда Давлат Думаси депутатлигига сайловлар бўлиб ўтиши керак. Жангарилар ана шу муҳим тадбирнинг ўтмаслигига уринмоқда — кеча Грозний шаҳридаги сайлов участкаси яқинида рўй берган портлаш оқибатида ўтиб кетаётган икки йўловчи ҳалок бўлди.

◆ Арманистон ва Озарбайжон Президентлари Р. Кочарян ва Ҳ. Алиев МДҲ давлатлари раҳбарларининг Ялтадаги саммити доирасида Қорабоғ можаросини барқарорлаштириш муаммолари юзасидан яккама-якка учрашув ўтказишни режалаштирганлар.

◆ **Бугун** АҚШнинг махсус вакили Д. Росс Исроил Бош вазири Ё. Барак билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш масалалари юзасидан учрашади.

◆ Номаълум сабабларга кўра бундан бир неча кун муқаддам Баренц денгизида ҳалокатга учраган Россиянинг ер ости «Курск» атом кемасидаги қутқарув ишлари давом этмоқда. Россия инглизларга ва норвегияликларга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Норвегиянинг Тронхейм шаҳридан ҳалокат юз берган жойга «Норманн-Пионер» кемаси йўлга чиқди. Ушбу кема белгиланган жойга фақат эртага етиб келади. Мутахассисларнинг фикрича чўкиб кетган сув ости кемаси экипажи учун ҳаво бугунги кунгача етади. Лекин кеча бошқача фикр ҳам айтилди. Гўёки ҳаво 20-22 августгача етар эмиш. «Курск» кемаси бортида юздан ортиқ киши бор.

◆ **Кеча** Ригадаги Марказий универсал магазинида бирин-кетин рўй берган икки марта портлаш оқибатида 20 дан зиёд киши шикастланди, шулардан уч нафари оғир аҳволда ётибди.

◆ **Бугун** Сараеводa йиллик олтинчи кинофестиваль очилди.

◆ Конгода юз берган авиация ҳалокати оқибатида 27 киши ҳаётдан кўз юмди.

◆ Сухумида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатхонаси вакили З. Ажва ўлдирилди.

◆ **Кеча** Ироқ пойтахтида узоқ танаффусдан сўнг, БМТ жазо чоралари бекор қилинганидан кейин халқаро аэропорт яна ишлай бошлади.

◆ Черногорияда ҳукмрон Социал-демократик партия марказий қўмитаси Югославияда президент ва парламент сайловлари ўтказилишига қаршилик билдирди. Маълумки, ана шу икки тадбирни ўтказиш 24 сентябрга мўлжалланмоқда.

◆ Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантиришга доир янги лойиҳани амалга ошира бошлади. Унда Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг эҳтиёжи учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш кўзда тутилмоқда.

◆ Замбия пойтахтида Конго Демократик Республикасида тинчлик ўрнатиш борасида бўлиб ўтган учрашув самарасиз якунланди.

◆ Толиблар Афғонистонда БМТ томонидан кам таъминланганлар ва аёлларни ишга жойлаштириш мақсадида очилган барча новвойхоналарни ёпишга қарор қилди.

# АҲОЛИГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛМОҚДА

**САРИОСИЁ. (ЎзА мухбирлари Василий Марков ва Чори Тўхтаев хабар беради). Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманларида босқинчиларни йўқ қилиш юзасидан амалга оширилаётган операциянинг ҳарбий босқичи якунланмоқда. Эндиликда тинч аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш шароитини изга солиш ишларига асосий эътибор берилмоқда.**

Аҳолини тоғ қишлоқларидан кўчириб келиб, ташкил этилган лагерларда жойлаштириш ишлари давом этмоқда. 16 августдаги маълумотларга кўра, Узун туманидаги лагерда 217 нафар одам бор. Улар, асосан аёллар ва болалардан иборат. Узун туманида ҳарбий ҳаракатлар кечаётган жойдаги бешта тоғ қишлоғи аҳолиси кўчирилиб, болаларни соғломлаштириш лагерига жойлаштирилди.

Лагерга келаётганлар, албатта, санитария-тиббиёт кўригидан ўтказилиб, зарур ҳолларда уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда ишлар вазирлигининг Узун тумани штаби аҳолини ҳимоя қилиш бўлими катта зобити, майор Зокир Бобоқулов хабар қилганидек, лагер тиббий хизмати барча зарурий дори-дармон билан таъминланган. Аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон билан таъминлашда хўжаликлар, корхоналар ва хусусий шахслар фаол иштирок этмоқда.

Сариосиё туманидаги шундай лагерга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ҳам ёрдам кўрсатилди.

17 август куни туш пайтида Махсус разведка бўлинмаси жангчилари жанговар позициялардан қайтиб келишди. Бир оз дам олгач, улар яна дарага қайтиб кетишади.

Разведкачилар маълумоти ва хабарларига кўра, ҳукумат қўшинлари ҳаракатлари натижасида «қопқон»га тушиб қолган террорчиларнинг ўқ-дори заҳираси тугаб бормоқда. Ёрдам сўраб мурожаат этишганида эса, уларнинг ҳомийлари: «Ёрдам бера олмаймиз» дея жавоб қайтаришди.

**(ЎзА).**



**Мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахтида бунёд этилган замонавий бинолар Тошкентнинг чиройини янада ошириб юборди. Энг азиз, энг улуғ байрамга қизғин ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда ҳам шаҳримиз қурувчилари шинам ва гўзал биноларни бунёд этиб, қутлуғ санага муносиб армуғонлар ҳозирламоқдалар.**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳрида куйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирлар юзасидан туман эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияларининг раислари, «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси ва шаҳримиздаги бозорлар раҳбарлари, туман давлат санитария-эпидемиология назорати бўлимларининг бош шифокорлари, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаларининг бош шифокорлари иштирокида пойтахт эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг раиси Эркин Эрназаров олиб борди.**

Кун тартибидаги асосий масала — Тошкент шаҳрида куйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Тошкент шаҳар Бош давлат санитария шифокори Саидмурод Сайдалиев батафсил тўхталиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, кейинги вақтларда куйдирги касаллигининг республикамизга қўшни бўлган давлатлардан кириб келиш хавфи кескин ортди. Ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳри ҳудудига ушбу касалликнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш боорасидаги ишлар Соғлиқни сақлаш, ветеринария, божхона, санитария-эпидемиология хизматлари, Ички ишлар бош бошқармаси ва бошқа мутасадди идора ҳамда корхоналар томонидан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2000 йил 21 июлдаги «Одамлар ва ҳайвонларда учрайдиган касалликларнинг профилактикаси ва уларни Тошкент шаҳри ҳудудига кириб келишининг олдини олиш тўғрисида»ги 416-сонли қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ўтказилмоқда.

Режага кўра Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларида гўшт ва сут маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шаҳар санитария-эпидемиология хизмати томонидан касалликнинг четдан кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида ташқи муҳит объектлари, сут, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тери хом ашёсига ишлов бериш корхоналари устидан лаборатория назорати кучайтирилди.

Тошкент шаҳар Давлат ветеринария хизмати томонидан шаҳар ҳудудига куйдирги касаллиги кириб келишининг олдини олиш мақсадида аҳоли томонидан боқилаётган, куйдирги касаллигига мойил қишлоқ хўжалик ҳайвонлари эпизоотик режа бўйича уйма-уй юриб аниқланган 7649 бош йирик шохли, 6403 бош майда шохли ҳайвонлар, 501 бош отлар ва 48 бош эшаклар куйдиргига қарши эмланди.

Шаҳар ҳудудидаги бозорларда сотилаётган чорвачилик маҳсулотлари орқали куйдирги касаллиги тарқалишининг олдини олиш вазифаси шу бозорларда фаолият юритаётган ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари мутахассислари зиммасига юклатилди.

Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаси бошлиғи Муҳсим Ҳасанов, «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси бошлиғи ўринбосари Фазлиддин Нуралиев, шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев ва бошқалар куйдирги касаллигининг олдини олиш бўйича ҳамкорликда қилинаётган ишлар юзасидан ҳисобот бердилар.

Мажлис сўнгида сўзга чиққанларнинг ахборотларидан келиб чиқиб, қўшимча таклифларни инобатга олган ҳолда комиссия тегишли қарор қабул қилди.

# ҒАЛАБАГА ТЕНГ ДУРАНГ

**КЕЧА** ўтказилган мамлакат миллий чемпионатининг йигирма тўртинчи тур учрашувлари голларга бойлиги билан ишқибозлар ва мутахассислар ёдида анча вақт сақланиши табиий. Чунки тўплар нисбати 39:5. Майдон эгалари 8 бора ғалаба нашидасини суришга муваффақ бўлишган бўлса, икки учрашув дуранг натижа билан ниҳоя топди.

Шунингдек, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси бу сафар «Зарафшон» меҳмони бўлди ва учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Дарвоқе, пойтахтимизнинг яна бир вакили «Трактор» эса иккинчи даврадаги муваффақиятсиз одимини давом эттирмоқда. Ушбу турда тракторчилар Фарғонада «Нефтчи»га йирик 0:4 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Навбаҳор» — «Кимёгар» 6:0, «Темирйўлчи» — «Дўстлик» 1:1, «Самарқанд — Динамо» — «Семурғ» 8:0, «Бухоро» — «Гулистон» 3:0, «Андижон» — «Металлург» 3:0, «Насаф» — «Турон» 4:1, «Сурхон» — «Хоразм» 5:1, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» 3:1.

Чемпионатнинг 25-тур учрашувлари 23 август куни ўтказилади.

**Ўз мухбиримиз.**




# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ





*Юрт озодлиги йўлида курашган аждодларимиз*

# СПИТАМЕН

***Агар қиличинг қонсираб қолган бўлса, хув анови баланд тоғ чўққисига чиқиб, узоқларга боқ! Суғдиёна устига офат яқинлашмоқда, бу муболаға эмас, айни ҳақиқат. Эй жувонмард, ҳозир шикор (ов) қилиш, айшу ишрат мавриди эмас! Алҳол, эл-юрт бошига ёпирилиб келаётган офат ҳақида ўйла, чунончи қандай оғир кунлар бошланишини билсанг эди...***

**Дариёд даъватидан.**

Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида Ватан муҳофазаси, эл-юрт осойишталиги учун ўз жонларидан кечиб, душман билан аёвсиз курашган фидойиларнинг номлари алоҳида эъзозланиб, тарихнинг мўътабар саҳифаларидан муайян ўрин олган. Замонлар ўтиши билан уларнинг номлари афсонавий қаҳрамонларга айланиб, турли нақллар, ривоятлар ва қиссаларда ўз аксини топган. Зотан, халқ абадий барҳаётдир, у ўз қаҳрамонларининг номини ҳеч қачон унутмаган, унутмайди ҳам. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Алпомиш, Муқанна ва Маҳмуд Торобийлар ана шундай қаҳрамонлардандир.

Спитамен Зарафшоннинг юқори қисмида ҳозирги Панжаконий яқинидаги бир қишлоқда ўзига тўқ бадавлат деҳқон оиласида (у вақтларда бадавлат зодагонларни деҳқон деб атардилар) туғилиб вояга етади. У ёшлигиданоқ жуда шўх бўлиб, ёзин-қишин овга ҳавас қўйиб, тоғу тошларда кезиб анча чиниқиб ўсади.

Спитаменнинг отаси Суғдиёнанинг кўзга кўринган нуфузли кишиларидан бўлиб, нақл қилинишича, унинг насл-насаби Сиёвуш авлодига бориб туташаркан. Аммо бу қариндошлик ота томониданми ёки она томониданми, бу томонини ҳеч ким билмайди, мавҳум. Бу одамнинг яйловларда қўй-қўзилари кўп бўлмаса-да, бироқ ўзининг зотли тулпорлари билан элда машҳур бўлган. Бинобарин, зотли тулпорлардан сотиб олиш учун олис ўлкалардан харидорлар келиб турган. Бу оиланинг асосий тирикчилик манбаи ана шу савдодан эди.

Спитаменнинг болалик онлари беҳисоб қўй-қўзилар, йилқилар ўтлаб юрган қўм-кўк ўтлоқ, бепоён яйловларда ўтган. У ёшликдан отларга меҳр қўйиб, улар билан бирга ўсди. Спитаменнинг отаси кенг яғринли, келишган гавдали, ўзига етгунча қаттиққўл ва бир сўзли одам бўлган. Шу боис у ўзининг яккаю ягона ўғлини ҳам шундай руҳда тарбиялайди. Бошқа зодагонларнинг боласидек эрка, тантиқ қилиб қўймайди. Меҳнатга чиниқтиради, қаттиқчиликка ўргатади. У ёшлигидан бошлаб от чопишни машқ қилиб, турли қабилалар ўртасида бўлиб турадиган пойгаларда фаол қатнашиб, моҳир чавандоз бўлиб етишади. Унинг отлар билан ҳамнафас ўтган болалиги, келажак ҳаётида шижоатли жанговар йигит бўлиб, камол топишига асос бўлиб хизмат қилади. Отаси уни жисмонан етук, бақувват ҳамда моҳир жангчи бўлиб етишиши учун ўзининг истеъдодли сарбозлари ихтиёрига топшириб қўйган эди. Бинобарин, найза санчиш, гурзи отиш, қиличбозлик ва камондан ўқ отиш унинг кундалик машғулоти эди. Булардан ташқари, отаси ўз ўғлини одамлар билан муомала қилишга ўргатиш учун уни махсус карвон билан Эрон, Ҳамадон, Бақтрия ва бошқа ўлкаларга савдо-тижорат ишлари билан жўнатиб турарди.

Спитаменнинг отаси зотдор тулпорларни парвариш қилишда шуҳрат соҳиби эди. Отларни сайислик (отбоқар) илмидан хабардор, ишбилармон мулозимлар қўлига топширарди. Табиийки, ўлкада бўладиган халқ сайиллари ва турли тантана ҳамда байрамлар муносабати билан ўтказиладиган улоқ ва пойгаларда мазкур зотдор тулпорлар чоптириларди. Натижада бу тулпорларнинг доңғи Сўғдиёнадагина эмас, бошқа ўлкаларга ҳам тарқаларди.

Ривоят қилинишича, Спитаменнинг отаси савдо-тижорат йўли билан Мидияга борганида, у ердан минг тангага бир бияни сотиб олиб, уни ўз юртига келтириб, зотли айғирга қочириб, ундан туғилган тойчоқни Спитаменга атаб парвариш қилган экан. Спитамен ҳам бу тойчоқни ёшлигидан парваришлаб ўстирди. Натижада қора байир Спитаменга ажралмас дўстдек ҳамхона бўлиб қолди. Спитамен суюкли тулпорига «Қорасоч» деб ном қўяди. Қорасочнинг Спитаменга вафодорлиги ҳақида кўплаб ривоятлар тўқилган. Ривоятларга кўра Қорасоч ўз эгасини бир неча марта ўлимдан сақлаб қолган.

Спитамен йигирма ёшга тўлганда Суғдия ҳокими (сатрап) Бесс уни ҳарбий хизматга чақиради. Ўша замон анъанасига кўра, зодагонлар ўз мавқеларига қараб ўнлаб, юзлаб мулозимларини отларга миндириб, қуроллантириб, сатрап ихтиёрига келиши лозим эди. Ана шундай ҳарбий хизматда бўлган ёш Спитамен жангларда маҳорат кўрсатиб, юксак мансабларга эришади ва ниҳоят, суғдлардан тузилган отлиқ аскарларга бошлиқ бўлиб олади.

Спитамен мард ва адолатли, қўли очиқ йигит эди. Бинобарин, унинг қўл остидаги аскарлар ўз бошлиқларини кетидан қолмас ва сўзини икки қилмас эдилар. Ўз навбатида Спитамен ҳам қўлга киритган ўлжанинг кўп қисмини аскарларига тақсимлаб берарди. Шунингдек, арзимаган гуноҳлари учун уларга жазо беравермас, уларнинг ғам-андуҳларига ҳам, шодликларига ҳам шерик эди.

Спитамен бошқа амалдорлар сингари бой бўлмаса-да, хоҳлаган вақтида ўзига керак бўлган маблағни топа оларди. Чунки ундан яхшилик кўрган кишилар, ҳеч нарсани аямасдилар. Шу боис у хоҳлаган пайтида катта бир ишни бошлаб юборишга қодир эди.

Бу даврда македониялик Искандар милоддан аввалги 329 йили Эрон шоҳи Доро III ни енгиб, энди ўз лашкарини Туронга қарши қўйган эди. Амударёдан ўтиб, Сирдарёгача бўлган ерларни осонликча қўлга киритган Искандар мағрурланиб, энди суғдлар, усрушанлар менга қарши қўзғолон кўтармайдилар деб ўйлаган эди. Дарҳақиқат Искандар Эрон ва Афғонистонни босиб олгач, ўттиз минг пиёда ва беш минг отлиқ аскар билан Амударёдан кечиб ўтган эди. Сирдарё бўйида етти шаҳар исён туғини кўтарган эди. Бироқ, яхши қуролланган мунтазам юнон аскарлари маҳаллий ҳимоячилар қаршилигини осонгина енгиб, Сирдарё бўйидаги шаҳарларни бирин-кетин ишғол қиладилар. Фақат Киропольни (Ўратепа) олиш қийинроқ бўлди.

Искандар аввалига ҳийла-найранг билан мен сизларни Эрон шоҳи зулмидан озод қиламан, мен сизларнинг халоскорингизман, деб алдаб суғдлар мамлакатини осонликча забт этди. Унинг пойтахти Мароқандни (Самарқанд) ҳам эгаллади. Бу даврда Искандар чангалига тушмаган фақат Хоразм қолган эди.

Бунга сабаб Хоразм ҳукмдори Фаразманнинг доно тадбири ва дипломатияси эди, у 1500 отлиқ аскар қўриқчилигида Самарқандга бориб, шахсан ўзи Искандар ҳузурига кириб, Александр билан дўстлик иттифоқини тузади ва Искандарнинг келгуси режаларидан маълум даражада хабардор бўлади.

Бироқ, Искандарнинг найрангидан воқиф бўлган тоғлик усрушанлар унга бўйсунмадилар. Ана шундан сўнг ниқоб йиртилди. Искандар усрушанларнинг бир қисмини қириб, бир қисмини қул қилишга фармон берди. Шундан сўнг Искандарнинг асл мақсади барча элатларга фош бўлди.

Ана шу пайтда Спитамен ўз Ватанини, яъни шу кунгача Эрон шоҳи зулми остида эзилиб келган Суғдиёнани янги истилочилардан ҳимоя қилиш режасини тузади. Суғд зодагонларининг бир қисми ўзларининг мустаҳкам қўрғонларига беркиниб олган, бир қисми эса янги ҳукмдор ҳузурига бош эгиб келардилар. Спитамен эса чекка-чеккада аскар тўплаб, озодлик учун жанг бошлашга жазм қилган эди. Спитаменнинг хатти-ҳаракатидан хавфсираган Искандар, уни ўзига оғдириш учун мактублар йўллаб, юксак унвонлар, катта лавозимлар билан сарафроз қилишга ваъда бериб, ўз мулозиматига чақирарди. Аммо, Спитамен Искандарга тобе бўлишни истамасди. У ўзига содиқ ва ишончли бўлган бир гуруҳ жангчилари билан ҳар ер-ҳар ерда қочиб юриб қатъий жангга ҳозирлик кўрарди.

Суғдлар бошда Искандарнинг мен сизларнинг халоскорингизман, деган сўзларига ишониб унга қаршилик кўрсатмадилар, пойтахтлари Мароқанд дарвозасини очиб бердилар. Бироқ, Искандарнинг Сирдарё бўйига юриш қилиб, тоғлик усрушанларга нисбатан қўллаган қирғини суғдларнинг кўзини очиб қўйди. Энди Мароқанд халқи Спитаменнинг даъватларига жавобан қуролланиб, шаҳардаги юнон босқинчиларини қириб ташладилар ва шаҳар истеҳкомини қўлга олдилар. Шундан сўнг Искандар ўзининг ишончли саркардалари — Андромаха билан Каранни Спитаменга қарши юборади.

Яхши қуролланган юнон аскарининг яқинлашиб келаётганини эшитган Спитамен, чўлга чекиниб дахлар ва массагетларни Искандарга қарши оёқлантириш ҳақидаги режасини ўз сафдошларига батафсил тушунтириб берди. Шундан сўнг Спитамен Мароқандни ташлаб, Зарафшоннинг ўнг томонига ўтиб, жангчиларидан бир қисмини қирғоқдаги тўқайга пистирма қўйиб, ўзи чўлга чекинди. Саркарда Каран ўз отлиқлари билан дарёдан ўтиши билан пистирмага дуч келиб ўққа тутилди. Шу аснода чўлдан Спитамен ўз отлиқлари билан етиб келиб, душман аскарини ҳалокатга етказди. Каран омон қилган оз сонли аскари билан қочиб дарёдан ўтиб, Андромаха аскарларига қўшилиб, Мароқандга чекиндилар ва дарвозаларни беркитдилар. Бу воқеани Искандар Хўжандда эшитди. Искандарнинг ўзи барча аскарини йиғиб Мароқандга қараб юриш бошлади. Мароқанд шаҳрини қамал қилиб турган Спитамен Искандарнинг келаётган хабарини эшитгач, душманнинг ҳисобсиз мунтазам аскарига қарши тура олмаслигини сезиб, шаҳар қамалини бўшатиб, дарёдан ўтиб, қум ичига чекинди. Спитаменнинг мақсади Искандарнинг аскарларини ўз ортидан эргаштириб Қизилқум ичкарисига алдаб олиб кириб қириб ташлаш эди. Бироқ, Искандар бу ҳийлани пайқагандек, уни таъқиб этмади, аксинча орқага қайтиб қўзғолончиларга кўмак берган қишлоқ ва овулларнинг аҳолисидан ўч олиб, улардан бир юз йигирма минг кишини қириб ташлайди.

Милоддан аввалги 328 йили Искандар Спитаменнинг массагетлар орасида яшириниб юрганидан хабар топиб, уларга қарши қўшин юборади. Аммо Спитамен олти юз отлиқ аскари билан тўсатдан Бақтрияда пайдо бўлади ва Искандар қўшинига ҳужум қилади. Жангда мағлубиятга учраган Спитамен омон қолган жангчилари билан чўлга яширинади. Айрим маълумотларга қараганда, милоддан аввалги 328 йилда Хоразм ҳукмдори Фаразман Искандар таъқибидан қочиб келган Спитаменга Хоразмдан бошпана берган. Аммо Спитамен туфайли Искандарнинг ўч олишидан қўрққан массагет қабила бошлиқлари хиёнат йўлига кириб Спитаменнинг бошини кесиб Искандарга юборадилар. Қўзғолон раҳбари қатл этилганига қарамай, халқ ҳаракати тўхтамади. Милоддан аввалги 327 йили бу қўзғолон бутунлай бостирилди. Суғднинг уч йил давомида қаршилик кўрсатиши, аҳолининг қайта-қайта бош кўтариши, истеъдодли йўлбошчи ва фидойи ватанпарвар Спитаменнинг жўшқин фаолиятининг натижаси эди. Зотан, аждодларимизнинг ҳар бир эзгу ҳислатлари биз учун ибратлидир.

**Турғун ФАЙЗИЕВ.**





*Эътироф*

# БУНЁДКОРЛИК ҚОЛАДИ

Шаҳардаги турар-жой манзилларию кўчалар, мавзе, гузар ва корхона-ю муассасалар қаерда жойлашганлигини аниқ билишда ҳайдовчига тенг келадиган киши топилмаса керак. Чунки бу касб эгалари хизмат юзасидан ҳар бир йўловчининг оғирини енгил қилади, манзилига элтади. Хуллас, бир сўз билан айтганда ҳамюртларимиз билан доимий мулоқотда бўладиган ҳайдовчи шаҳримиздаги ҳар бир ўзгаришу янгиликдан хабардор эканлиги ойдек равшан.

Дўстим Фурқат ўн йилдирки такси ҳайдаб доимо йўловчилар хизматида. Кунларнинг бирида Фурқатни ниҳоятда шодон кайфиятда учратдим-у сўрадим:

— Ҳа, оғайни, ишлар зўрми, дейман.

— Э, нимасини айтай, дўстим. Ҳозиргина хорижлик йўловчилардан бирига хизмат қилдим. Ёшлиги деярли Тошкентда ўтган бу ҳамроҳим шаҳримиздаги ўзгаришларни кўриб ҳайрону лол қолди.

Фурқат сўзлаяптию менинг ҳам руҳим кўтарилиб хурсандчиликдан ўзимни қаерга қўйишимни билмаяпман.

Аслида воқеа бундай бўлган экан. Фурқатни хизмат юзасидан «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига чақиришади. Ёши 70 ларга борган, кўринишидан ҳали тетик россиялик меҳмон Владимир Кузнецов Фурқатдан шаҳар айлантиришини, айниқса Себзорга бориши лозимлигини айтади.

— Себзорга кетаяпмизу, меҳмон амакининг юз-кўзларида қувонч ифодаси зоҳир бўлади, кўчаларга, янги бунёд этилган иншоотларга тикилиб, ҳайратланади, — дея ҳикоясини бошлади Фурқат. — Очиғини айтсам, ўзи айтган манзилни топгунимизча роса овораи-сарсон бўлдик. Ниҳоят амаки айтган жойни зўрға топдик.

— Илгари Тошкентда бўлганмисиз? — сўрадим Владимир Кузнецовдан.

— Ҳа, ўғлим, Тошкент менинг иккинчи она шаҳрим. Чунки иккинчи жаҳон уруши йиллари ота-онамдан етим қолиб Ленинграддан Тошкентга эвакуация қилинганман. Ёшлигим Себзорда ўтган. Мени фарзандим дея бағрига олган Комил ота ва Насиба аялар оқ ювиб, оқ тарашган, ўқитишган. Ёшликдаги дўстларим ҳам ўзбеклар эди. Ўзбекистонда 15 йил яшадим. Ота-онамиз вафот этгач (Комил ота, Насиба аяларни назарда тутмоқда: муаллиф) олий маълумот олиш, аниқроғи учувчи бўлиш учун Россияга жўнаб кетдим. Гарчанд учувчи бўлолмаган бўлсамда, авиация соҳасида пенсияга чиққунча ишладим. Гап бунда ҳам эмас. Тошкентда, айниқса Себзор, Эски шаҳар, Юнусободда шунчалик кўп қурилишлар қилиб тубдан ўзгартириб юборибсизларки, очиғи танимай қолдим. Бу ҳам бўлса Мустақиллик шарофати. Мен қувонч билан шуни айтишим жоизки, ўзбекистонликлар бунёдкорликни авж олдириб, янги-янги бинолар, турар-жой мавзелари, корхона-ю муассасалар, мактаблару спорт иншоотлари қуряптиларми, демак серқуёш Ўзбекистоннинг келажаги буюк.

Дарҳақиқат, шаҳримиз кейинги йиллар мобайнида ниҳоятда гўзаллашиб, файзли гўшага айланиб бормоқда.

Бу дил сўзларимизни юқорида эслаганимиз россиялик Владимир Кузнецов каби меҳмонлар эътирофида кўрамиз.

Бу буюк ўзгаришларни, истиқлол қадрининг аҳамиятини элим, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир ватандошимиз юрак-юракдан ҳис этиб турибди.

Ҳа, азиз ҳамшаҳарлар, яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрамини ҳар биримиз муносиб совғалар билан кутиб олайлик. Илоҳим, қанча-дан-қанча ота-боболаримиз курашиб, аммо армон билан етишолмаган истиқлолимиз абадий, осмонимиз мусаффо бўлсин.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

*Огоҳлик — давр талаби*

# СЕНИ ЁМОН КЎЗЛАРДАН АСРАСИН, ЮРТИМ!

**Юртим, осмонингда булут кўрмасам дейман. Ҳароратли қуёшинг ҳар қандай булутни зумда парчалаб ташлаш қудратига эга бўлса-да, ҳамиша осмонингни мовий денгиз каби тиниқ ва беғубор бўлишини истайман.**

Неажабки, табиат сирли, ҳаёт мураккаб экан. Баъзан бу ёруғ оламда ўзини ўтга урган парвона мисол шошқинч, адашган булутлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Ҳар қанча уринмасин парвона куйиб кул бўлади. Бесабаб, бемаврид пайдо бўлган булутнинг ниҳояси ҳам шундай аянчли якун топади. Бу исботини топган ҳақиқат.

Бугун она-заминимиз, муқаддас тупроғимизга шум ниятла қадам қўйган ғанимларни ўша булут ва парвонага ўхшатгим келади. Бу табаррук диёр бошидан не-не қора кунларни кечирмади. Бу ўлкага кимки қилич кўтариб кирган бўлса барчаси шу ярогдан нобуд бўлди. Бунга тарих шоҳид.

Ўйлаб ўйимга етолмайман. Уларнинг мақсади нима ўзи? Нега бу қузғунлар бизнинг тинчлигимизни кўришолмайди? Нега озод халқ истиқболига тош отишга уринишади? Хўш, бундан нима топишади? Ҳасадгўй, хиёнаткор, қора ниятлилар шу қилмишлари билан наҳотки ўзларига гўр қазиётганликларини билмасалар. Била туриб нега қўлларини қонга ботиряптилар. Ишонч билан айтамизки, Сурхон воҳасига суқулиб кириб олган бир тўда ғаламис террорчилар мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига раҳна солишга беҳуда уринишмоқда. Улар биринчи кунларданоқ Мустақиллик йўлида собитқадамлик билан ишлаётган ва яшаётган халқ ғазабига дучор бўлишгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди. Ҳарбийларимиз ғорга жойлашиб олган террорчиларнинг асосий гуруҳига қўққисдан ҳужум уюштиришди. Каллакесарлар уясини қўриқлаб турган жангарилар қириб ташланди.

Босқинчи гуруҳларни йўқ қилиш борасида амалга оширилаётган операцияларда Ватанимиз ва халқимиз ҳимоясига отланган ҳарбийларимиз орасида афсуски қурбонлар ҳам борлиги бугун барчага маълум. Халқимиз бу қонли тўқнашувда навқирон ёшида ҳалок бўлган ўз фарзандлари, жасур ва мард ўғлонларининг жасоратини ҳеч қачон унутмайди. Зеро, бу Ватан ҳимоячиларимиз бугун сафимизда бўлмасалар-да, лекин хотирамизда мангу яшайдилар.

Бу юрт элпарвар, тинчликсевар юрт. Халқимиз меҳмондўст, бағрикенг халқ, шундай экан ҳаёт инсонга бир марта берилишини яхши билади. Умри давомида яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Бугун барчамиз бир овоздан: Мабодо Ватан ҳимояси учун лозим бўлса, ўғилларимизни оқ фотиҳа билан чегарага жўнатишга тайёрмиз. Ватаннинг ҳар бир қаричи ҳам Ватан. Кимки унга ёмон ният билан қадам қўяр экан, юртсевар халқимиздан ўз жазосини олади, деяётганимизнинг боиси ҳам шунда.

Юқорида биз она замин тупроғини олтинга тенг дедик. Бу бежиз эмас. Чунки хорижга саёҳат қилган дўстларимиз ҳамиша бизга қизиллар тузуми зўравонлигидан туғилган юртидан қувғин қилинган ватандошларимизни учратишганини, улар биринчи навбатда юртдошларидан бир сиқим она-юрт тупроғини сўрашганини айтишади. Ўзимиз шоҳид бўлган бир мисол. Бундан тўрт йил муқаддам мактабдош дўстимизнинг тоғаси узоқ айриликдан сўнг чет элдан она шаҳри Тошкентга келадиган бўлди. Меҳмонни аэропортда кутиб олдик. Висол дамлари қандай ширин...

Манзилга етиб келгач, меҳмон машинадан тушди-ю одамлар кўз ўнгида бирдан ўзини ерга ташлади. Шашқатор кўз ёшлари билан ерни ўпа кетди. Уни култиғидан тутиб кўтардик.

Шунда у: «Бу тупроқдан қадамим узилганидан бери уни қўмсайман. Бир қисмини олтинга алмаштиришга тайёрман. Ниятим агар насиб этиб она-юртимга қайтсам ўзим ўсиб-унган остонам тупроғини кўзимга суртиш эди. Алҳамдулиллоҳ, муродимга етдим», деди.

Ўшанда биз ана шундай табаррук замин, озод Ватанда яшаётганимиздан ўзимизни яна бир карра бахтиёр ҳис этдик. Бундай табаррук тупроқни қадрламаслик нонкўрлик эканлигини яна бир карра чуқур англаб етдик.

Асосий мавзуга қайтайлик. Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, террорчилар бугун бутунлай талвасага тушиб қолишди. Уларни қириб ташлаш якуний босқичга кирди. Аламзадаларнинг қолган-қутгани арчазор, ғор ва қалин дарахтзорларга қочиб, ўша ердан паноҳ топишга ҳаракат қилишмоқда. Лекин бунга йўл қўйилмайди. Уларни ер билан яксон қилинади. Малайларга ўлим муқаррар!

Кўча-кўйда ҳамшаҳарларимиз билан учрашганимизда улар шундай дейишди:

— Одамларнинг тинчини бузган, қон тўққан ёвузлар халқнинг қарғишига учрайди. Бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазодан қочиб қутулолмайди, — дейди юнусободлик Маҳсума Қодирова.

— Мана бир неча кундирки Ўзбекистонимизнинг тинчлигини, юксалишини кўра олмаётган ёвуз кучлар осойишталигимизни бузишмоқда. Ҳарбийларимиз уларни тез йўқ қилиш ниятида бузғунчиларга қарши курашга отланган. Шундай бўлиши ҳам табиий, чунки чаённинг иши — заҳар солиш, бузғунчининг иши — тинч ҳаётни бузиш. Шундай экан, газандаларга мутлақо шафқат йўқ, — дейди яккасаройлик нуроний отахон Қосим ота Акбаралиев.

— Нияти жиноятчилик, наркобизнес ва қўпорувчилик бўлган бу худобезорилар эрта-индин даф этилади. Бунга ишончимиз комил. Лекин бу бизнинг хотиржам ўтиришимиз учун асос бўла олмайди. Токи Мустақиллигимизни кўра олмайдиган ғанимлар бор экан, бизнинг бефарқ ва беэътибор бўлишга ҳаққимиз йўқ. Юртбошимиз айтганларидек, **«Тинчлик учун курашиш керак, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак»,** — дейди бизга Бибисора Ғуломова.

Гапни мухтасар қилиб айтмоқчимиз. Қаҳрамон укажонларимиз. Сиз бизнинг, юртнинг тинч ва осойишталиги йўлида ўз кўксингизни ажал ўқига тутдингиз. Фарзандларимиз мактабларда хотиржам таҳсил олишлари, турмушимиз янада фаровон бўлиши учун жон фидо қилдингиз. Сизнинг кўрсатган жасоратингизла террорчилар ер тишламоқда. Сиздек фидойилар бор экан, бу безорилар тез кунда ер билан яксон бўлади. Илоҳим, Она юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

**Маҳмуд ОРИПОВ.**

